



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 25 июнь, № 126 (5041)

Жума

## САҲРОДАГИ ЖАВОҲИР



1997 йил 22 август. Шу куни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилди. Ўшанда Юртбошимиз "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши Ўзбекистон тарихидагина эмас, ҳар биримизнинг таржимаи ҳолимиз ва тақдиримизда юз берган қутлуг воқеадир", деган эдилар.

### Мустақиллик иншоотлари

Тоғлар олисдан янада сервизор, салобатли, юксак кўринади. Чиндан ҳам, бу йирик корхонанинг аҳамияти, кадр-қиммати вақт ўтган сайин ошиб бораётган. Биргина 2009 йилда мазкур заводида 706 миллиард сўмлик хом ашё қайта ишланганининг ўзиёқ бунга исбот бўла олади.

— Корхонамизда автобензин, авиакеросин, дизель ёнилғиси, углеводород эриткичи, мазут, суюлтирилган газ, олтингугурт каби нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, — дейди завод директори Ш. Сайдахмедов. — Ўтган йили толлинг асосида углеводород хом ашёлари олиб келиб, уларни қайта ишлаш натижасида йирик миқдорда валюта тушумига эришилди. Айтиш жоизки, бу каби му-




вафқиятларда завод хорижий илгор ускуналари билан жиҳозлангани, иш жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхона жамоаси ҳар доим из-

ланишда. Ўтган йили заводда янги турдаги "Джет-А-1" авиакеросинини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўшандан бошлаб, ҳозирга қадар 40 миллиард сўмлик шундай авиаёнилғи буюртмачи-

ларга етказиб берилди. Завод шу турдаги ёнилғи ишлаб чиқариш бўйича "AS 9100B" халқаро сертификатига эга бўлди. Мухими, технологик жараёнларни жаҳон андозаларига мослаш ишлари да-

вом этмоқда. Айни дамда экологик менежмент халқаро сертификатини олиш борасида саъй-ҳаракатлар кетмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 июнь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси А. Тўхташев маъруза қилди. Таъкидландики, қонун лойиҳаси пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялашни жорий этишни, уларнинг қонунга хилоф муомаласи учун маъмурий ва жиноий жавобгарлиқни қўйиштиришни назарда тутди. Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш лицензиялашни керак.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳаси модда-модда муҳокама қилиниб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар пиротехника буюмлари муомаласи устидан самарали давлат назоратининг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишининг, ижтимоий хавфсизлик таъминлашининг муҳимлигини таъкидладилар. Модда-модда муҳокама қилиш чоғида қонун лойиҳасининг айрим нормалари тегишли ҳуқуқий атамаларнинг қўлланиши ва уларнинг шарҳлашни масалалари юзасидан баҳсларга сабаб бўлди. Қонун лойиҳасининг айрим моддалари юзасидан ҳужжатнинг баъзи нормаларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар киритилди. Қонунчилик палатаси тушган тақлифларни инобатга олган ҳолда қонунни қабул қилди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига маъқуллаш учун юборилди.

Бюджет ва иқтисодий

илоҳотлар кўмитаси аъзоси Р. Собиржонов «Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу Фармонға биноан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси этиб қайта ташкил қилинди.

Қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш пайтида депутатлар унинг монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни қўйиштириш ва ҳўжалик юртувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқаролар тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши, уларнинг фаолигини ошириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини қўйиштиради.

Билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонунни қабул қилдилар, у маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилди.

(Давоми 2-бетда).

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида 24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, уларни минтақаларнинг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга кенг жалб этишга қаратилган қонун ҳужжатлари, мамлакатда қабул қилинган дастурларнинг Тошкент шаҳрида ижро этилиши масалаларига бағишланган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Маҳалла — фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг вазифаларини янада кенгайтириш, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларининг манфаатларини ифодалайдиган сиёсий ва фуқаролик институтларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш бугунги куннинг долзарб талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 7 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузаларининг асосий қоида ва хулосаларини рўйбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳаракат дас-

тури тўғрисида»ги Қарорини ижро этиш мақсадида «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими, Хусусий уй-жой мулкдорларининг Тошкент шаҳар уюшмаси, «Ecomaktab» экология-ресурс маркази, Тошкент шаҳри «MILLENNIUM» Ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ногиронлар реабилитация маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси, шунингдек, «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимларининг Тошкент шаҳридаги социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга қаратилган фаолияти ўрганилди.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАМКОРЛИК КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Жанубий Корея ишбилармон доира вакиллари-нинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда навбатдаги кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг электр техника буюмлари ишлаб чиқарувчи компаниялари вакиллари иштирок этди.

Тадбиркорлар учрашуви Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Корея Республикасининг Электр техника ускуналари-нинг ишлаб чиқарувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ИСТИҚБОЛЛИ ШЕРИКЛИК САМАРАСИ

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Чехиянинг «Frydantske strojirny Rasi a syp a.s.» компанияси вакиллари мамлакатимизга ташрифи доирасида тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Таъкидландики, 1993 йил 10 сентябрда икки давлат ўртасида имзоланган «Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида»ги ҳукуматлараро Битим бу борадаги ҳамкорликнинг ривожига хизмат қилмоқда. Пировардида ўтган даврда савдо-саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва маданият каби кўплаб соҳаларда икки томонлама олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераёпти. Жумладан, 2009 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 62,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Айни пайтда мамлакатимизда Чехия сармояси иштирокида озик-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган 16 та компания ва фирма фаолият юритмоқда.

Енгил ва оғир саноатда қўлланиладиган ускуналари ишлаб чиқарувчи «Frydantske strojirny Rasi a syp a.s.» компаниясининг ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлиги истиқболда бундай алоқаларни мустақамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зотан, ўз маҳсулотларини, асосан, Германия, Россия, Украина, Беларусь ва бошқа мамлакатларга экспорт қилаётган компания эндиликда Ўзбекистонда ҳам муносиб шерик ва ҳамкорлар билан ишлашни мақсад қилган.

Ф. БЎТАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кам талафот кўрган давлатлар ҳақида гап кетса, биринчилардан бўлиб Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси тилга олинади. Негаки, глобал таназзул даврида бу давлатларнинг ялпи маҳсулоти, ташқи савдо ва экспорт ҳажми ўсишда давом этди. Шу боис жаҳон ҳамжамиятида уларнинг иқтисодийётига қизиқиш тобора ошиб бораёттир.

### Кўргазма

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида алоқалар барча йўналишларда, жумладан, иқтисодийёт соҳасида ҳам ривожланмоқда. Узаро товар айирбошлаш ҳажми 2009 йилда 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани бунинг тасдиғидир. Томонлар, айниқса, энергетика, транспорт, логистика, қурилиш, телекоммуникация, савдо тармоқларида алоқаларни мустақамлашдан манфаатдор. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткичлар янада ошиши кутулаёпти.

2010 йилнинг дастлабки икки ойида мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмаси 288,16 миллион АҚШ долларига етганлиги шундай дейишимизга тўла асос беради.

Айни пайтда республикамизда Хитой сармояси иштирокида ташкил этилган 300 дан ортиқ корхона самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар, асосан, енгил саноат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш керакки, томонлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг кенгайишида аънанавий ўтказиб келинаётган кўргазмаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Чунки тадбирлар доирасида нафақат етакчи компания ва фирмаларнинг маҳсулотлари билан яқиндан танишиш, балки ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Кеча пойтахтимизда тизимдаги яна бир муҳим тадбир — «ХР

Синьцзянь маҳсулотлари» кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси хузуридаги Савдо дирекцияси кўмағида ХР Халқаро савдога кўмаклашиш кўмитасининг Синьцзянь бўлими томонидан ташкил этилди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу йил иштирокчи компаниялар сони икки бараварга кўлайди. Кўргазма мавзу жиҳатидан кенг камровли бўлиб, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари, озик-овқат саноати, фармацевтика, атторлик сингари иқтисодийётнинг етакчи тармоқларини қамраб олган.

— Хитойлик ишбилармонлар

юртингиз тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилиш, алоқаларни ривожлантириш тарафдори, — дейди «YUANTAI» компанияси вакили Ю Вей. — Сабаби, Ўзбекистон ишончли ҳамкор эканлигини глобал молиявий таназзул даврида яна бир бор исботлади. Биз ҳам кўргазма давомида янги ҳамкорлар топиш, кўлаб келишув ва шартномалар имзолаш ниятидамыз. Бундай дейишимизга асослар етарли. Чунки Ўзбекистонда қурилиш ва обodonлаштириш ишларининг кўлами йил сайин ошиб бораёпти. Биз эса, кўриб турганимиздек, қурилишда ишлатиладиган турли маҳсулотларни тақлиф қилаёلمиз.

С. РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.